

ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛАДИГАН ШАХСЛАР УЧУН ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ

Сатторова Мухаббат Алижанова
Сирдарё агротехнологиялар техникуми

Меҳнат ресурслари балансини шакллантириш тартибини такомиллаштириш, ишсиз фуқароларни, айниқса, хотин-қизлар ва меҳнат бозорига илк бор кириб келаётган битирувчилар бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка кенг жалб этиш, шунингдек, норасмий бандликни камайтириш бўйича таъсирчан янги механизмларни жорий этиш давом этмоқда.

Кейинги йилларда янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳолининг доимий бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятига янада кенг жалб қилиш ва ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўзини ўзи банд қилиш ҳисобига ўзини меҳнат даромади билан таъминлайдиган шахсларнинг меҳнат фаолиятини тартибга солиш, қонуний меҳнат фаолиятини амалга

ошириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида Президентимиз қарорлари¹ билан ушбу фуқаролар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхати тасдиқланди. Уларнинг фаолиятларни амалга оширишдан олинган даромадлари солиққа тортилмаслиги, меҳнат стажини ҳисобга олиш ва рағбатлантирувчи имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқининг берилишига доир тартиблар жорий қилинди.

Ҳозирги кунда, меҳнат лаёқатига эга ҳар қандай жисмоний шахс, амалдаги тартиб² асосида ўзини ўзи банд қилиши ва тегишли фаолият тури билан шуғулланиши мумкин. Бунда улар яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтишлари шарт эмас. Ўзини ўзи банд қилувчилар меҳнат фаолиятини амалга оширишлари учун давлат солиқ хизмати органларида рўйхатга қўйилади ва уларга ўзини ўзи банд қилган шахс

сифатида рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида маълумотнома берилади. Мазкур маълумотнома асосида ўзини ўзи банд қилган шахслар рухсат этилган фаолиятларнинг исталган тури билан, хоҳласа, уларнинг бир нечтаси билан шуғулланиб чекланмаган даромад топиш имкониятига эгадирлар.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2020 йил 8 июнь. ПҚ-4742-сон.

² Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида НИЗОМ. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 декабрдаги 806-сон қарорига 1-ИЛОВА

Ўзини ўзи банд қилганлар – бу хизматлар кўрсатишда мустақил равишда шахсий меҳнати билан иштирок этадиган, меҳнат даромадини олиш учун иш олиб борувчи шахслар.

Бунда улар якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олинмайди ва ёлланма ходимлар меҳнатидан фойдаланмайди. Уларнинг фаолияти «Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида низом» билан тартибга солинади. 2021 йил 1 август ҳолати бўйича 68 турдаги фаолият билан ўзини ўзи банд қилиш мумкин. Хоҳишга кўра, уларнинг бир нечтасини бирваракайига танлаш мумкин.

Асосий иш жойида меҳнат шартномаси бўйича ишлаб, бир вақтнинг ўзида ўзини ўзи банд қилиш ҳам мумкин. Асосийси, асосий ишдаги фаолият тури ўзини ўзи банд қилиш учун рухсат берилган фаолият турлари рўйхатига кирмаган бўлиши керак. Масалан, кун бўйи меҳнат шартномаси асосида котибалик билан шуғулланиш, кечаси ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида матн ёзиш бўйича хизматларни (копирайтинг) кўрсатиш мумкин.

Ўзини ўзи банд қилган шахслар: бепул рўйхатдан ўтади; иш берувчига эга бўлмайди; ишчи ёлламайди; уларга меҳнат стажи ва пенсия ҳисобланади; йилда бир марта БХМнинг бир баравари миқдорида ихтиёрий равишда ижтимоий солиқ тўлайди; даромадидан солиқ тўламайди; юридик шахслардан пул ўтказмаларини қабул қилиш учун банкда ҳисобрақам очиши мумкин; фақат рухсат этилган фаолият турлари билан шуғулланади.

Ўзини ўзи банд қилганлар куйидагиларни қилишлари мумкин:	Қуйидагилар ўзини ўзи банд қилганларга мумкин эмас:
<ul style="list-style-type: none"> ✓ рўйхатдаги бир ёки бир нечта фаолият турлари билан шуғулланиш; ✓ ишни фақат мустақил равишда бажариш; ✓ нақд, терминал ва пул ўтказмаси орқали тўловни қабул қилиш; ✓ жисмоний ва юридик шахслар билан фақат бир марталик иш ёки хизматларни бажариш учун ишлаш; 	<ul style="list-style-type: none"> ✓ рухсат берилган фаолият турлари рўйхатида кўрсатилмаган фаолият билан шуғулланиш; ✓ якка тартибдаги тадбиркор бўлиш; ✓ ўз фаолият тури бўйича кимнингдир қўлида ишлаш; ✓ ходимлар ёллаш; ✓ жисмоний ва юридик шахсларга катта ҳажмли иш ёки хизматни узоқ муддат давомида кўрсатиш.

<p>✓ мижоз билан оғзаки ёки ёзма шартнома тузиш; ✓ чет эллик буюртмачилар билан шартнома тузмасдан ишлаш; ✓ норезидентлардан чет эл валютасида ишлар учун тўловни қабул қилиш.</p>	
--	--

Шунингдек, 2023 йилдан якка тартибдаги тадбиркорлар билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахслар учун ижтимоий солиқ суммасининг энг кам миқдори ойига БҲМнинг 50%идан йилига БҲМнинг бир бараваригача камайтиради.

Бунда савдо мажмуалари ва бозорларда фаолият юритаётган якка тартибдаги тадбиркорлар билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахслар назарда тутилмаган.

2023 йилдан ўзининг шахсий томорқа ер участкасида қуйидаги фаолият турлари билан шуғулланаётган фуқаролар томонидан йилига БҲМнинг камида 1 баравари миқдорида ижтимоий солиқ тўланган тақдирда, улар расмий банд бўлган аҳоли тоифасига киритилади ва ушбу давр уларнинг меҳнат стажига қўшилади:

- чорвачилик (қорамол, қўй, эчки, от ва бошқалар);
- иссиқхона;
- паррандачилик (бедана, курка, ғоз, ўрдак);
- қуёнчилик;
- асаларичилик;
- балиқчилик;
- боғдорчилик;
- лимончилик;
- гулчилик.

Тадбиркорлик соҳаларида янги иш ўринлари ташкил этиш, инвестиция, солиқ, пул - кредит ва илмийтехникавий сиёсатни такомиллаштириш, бозор хизматларининг тармоқ тузилмасида инновацион таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашнинг омилларидан бири ҳисобланади. Ушбу хизматлар кўрсатиш аҳоли турмуш даражаси ва сифатини янада оширилишини таъминлаш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори ПҚ-4742 сонли қарори.
2. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 декабрдаги “Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 806-сон қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори “Норасмий бандлик улушини қисқартириш ҳамда меҳнат ресурслари балансини замонавий ёндашувлар асосида шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида” *Тошкент шаҳри, 2022 йил 30 август.*